ЗИДДИЯТ ВА САҲНАВИЙ ТЎҚНАШУВ

Ярбеков Эрназар Холмирзаевич – *профессор*
ЎзДСМИ "Мусиқали театр санъати"кафедраси

КОНФЛИКТ И СЦЕНИЧЕСКОЕ СТОЛКНОВЕНИЕ

Э.Х.Ярбеков – *профессор*
кафедры «Искусства музыкального театра»
Государственного института искусств и культуры Узбекистана

CONFLICT AND STAGE COLLISION

E.Kh.Yarbekov – *professor*
Department of "Musical Theatre Arts"
State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

Таянч сўзлар: актёрлик санъати, зиддият, тўқнашув, яширин зиддият, ошкора зиддият, ҳатти-ҳаракат, режиссёр, кечинма санъат, тақлид, роль, ижро, томошабин, пластика.

Резюме. Бугунги кунда театр санъатининг барча турлари қатори, мусиқали театр санъати олдида ҳам бўлажак актёрларни ўқитишни янги босқичга олиб чиқиш масаласи кўндаланг турибди. Бу масалада фикр алмашиш, ўтмиш қадриятларини унутмаган ҳолда, мутахассис тайёрлашга илмий- амалий ёндашувларни излаш муҳим аҳамиятга эга. Мақолада шу ҳақда фикр юритилади.

Ключевые слава: актёрское искусство,конфликт, столкновение, открытий и скрытий конфликт, действие, режиссёр, переживание, подражание, роль, испольнение, зритель, пластика.

Резюме. В настоящее время, наряду со всеми видами театрального искусства, вопрос о том, как вывести обучение будущих актеров в области музыкального театра на новый уровень, стоит на повестке дня. В этом вопросе важно обмениваться мнениями, не забывая о ценностях прошлого, искать научно-практические подходы к подготовке специалистов и использовать зарубежный опыт. В статье рассматриваются эти аспекты.

Keywords: acting, conflict, clash, conflict of revelations and concealments, action, director, experience, imitation, role, performance, audience, movement.

Summary. Currently, along with all forms of theatrical art, the question of how to take the training of future actors in musical theater to a new level is high on the agenda. In this regard, it is important to exchange opinions, not forgetting the values of the past, to seek scientific and practical approaches to training specialists, and to utilize international experience. This article examines these aspects.

Одатда икки инсон ўзаро суҳбатлашиб ўтириб, бир - бирини тушуниши ва бу жараён узоқ давом этиши мумкин. Баъзан эса икки инсон ўртасидаги мулоқот жараёнида қандайдир кутилмаган воқеа содир бўлади ва бу воқеа ҳар икки инсон учун бутунлай янги шароитларни туғилишига сабаб бўлади. Бунга улардан бирининг фикрига, ҳатти - ҳаракатига нисбатан иккинчи кишининг норозилиги, қўшилмаслиги туфайли унда туғиладиган қарши ҳаракат туртки беради. Яъни, биринчи кишининг ҳатти - ҳаракатлари қарама - қарши ҳатти - ҳаракатга дуч келади. Ҳар қандай саҳнавий асардаги зиддият (конфликт) шунга асосланиб қурилади. Зиддият туфайли тўқнашув содир бўлади. Зиддиятсиз саҳнавий асар яшай олмайди. Саҳнада кечаётган ҳар бир лаҳза узлуксиз курашлардан иборат эканлигини актёр ҳар доим билиши ва ҳис қилиб туриши лозим. Саҳнавий асардаги зиддиятлар очиқ - ошкора ифодаланган ҳолатлар кўп учраб туради. Ва эндигина саҳнавий ижод сирларини эгаллаб келаётган талабалар кўп ҳолларда ана шу жиҳатларга эътибор қилишади. Бироқ ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам ашаддий душманлар камдан - кам ҳолатларда очиқдан - очиқ баҳсга киришади. Ҳар қандай саҳнавий асардаги ҳатти - ҳаракатни келтириб чиқарувчи ва ҳаракатлантирувчи куч жуда кам ҳолатлардагина юзага қалқиб чиқувчи яширин зиддият ҳисобланади. Аслида, ана шу зиддиятнинг туғилиши учун бир иштирокчининг истаклари иккинчи иштирокчи томонидан қаршиликка учрашининг ўзи кифоя. Бир қараганда зиддиятни аниқлаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайдигандек туюлади.

Чунки кўп ҳолларда бу нарса муаллиф ремаркаси ёки персонажнинг матнида ифодаланган бўлади. Аслида эса ҳақиқий зиддият анча чуқуррокда жойлашган бўлади. “Биз буни назарий томондан жуда яхши биламиз. Лекин амалиётда кўп ҳолларда икки одамнинг “ҳақиқатга яқинроқ” бўлиб кўринган ўзаро суҳбати кечаётган саҳна билан чегараланиб қоламиз. Гўё ҳаётдагига ўхшаш. Гўё ҳаммаси рост. Ҳар қандай диалог - албатта жанжал, баҳс эмас - ку, дегандек. Аслида бундай эмас. Ва биз ҳаётдагига ўхшашликдан қониқиш ҳосил қилиб, системанинг бош талабига, уларсиз энг оддий саҳна ҳам яшай олмайдиган *зиддиятлар*ни топиш талабига зид иш қиламиз. Зиддиятларни фақат бир - бирига қарама - қарши бўлган фикрлар тўқнашуви, дея юзаки тушунишга ҳаққимиз йўқ. Зиддият анча мураккаброқ тушунча. Баҳс жараёнидаги иштирокчилар позицияларнинг турли - туманлиги, берилган шарт - шароитларнинг хилма - хиллиги уларни очиқ - ошкора баҳс олиб боришларига имкон бермайди. Агар ана шу яширин зиддият топилмаса, у саҳнавий кўринишнинг ўзагида ётмаса, тўғри ҳатти - ҳаракатга эришиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас”. [1.183]

Бутун бошли асарда зиддиятнинг шаклланиши учун ана шу зиддиятнинг ўзаги жойлаган воқеада бир неча киши иштирок этиши лозим. Ҳатто бир нафар актёр иштирок этувчи пьесада ҳам зиддият мавжуд. У асосий персонаж - ҳикоя қилиб берувчи билан у ҳикоя қилиб бераётган шахслар ўртасида туғилади. Зиддият ҳамиша факт ва воқеалар орқали ҳаракатга келади. Айнан воқеа зиддиятни ҳаракатга келтирувчи калит ҳисобланади. Пьесанинг зиддиятлари бошланадиган воқеа барча иштирокчиларнинг ҳатти - ҳаракатига туртки берувчи факт деб аталади. Шундай қилиб, зиддиятга ҳатти - ҳаракатлар ва қарши ҳатти - ҳаракатлар орқали эришилади. Тўқнашувларга ҳамиша зиддият сабаб бўлади. Зиддиятга эса маълум бир факт, воқеага бўлган турлича қарашлар, турлича муносабатлар. Масалан, У. Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” пьесасидаги Тибальтнинг ўлими саҳнасида содир бўлувчи тўқнашувларни келтириб чиқарган зиддиятни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрайлик: Ромео ўз дўстлари билан Капулетти хонадонидаги базмга яширинча кириб кириб келади. Бу уларнинг беғараз ўйинқароқлиги туфайли содир этилади. Ромео ва унинг дўстлари, ҳатто Капулетти ҳам бу фактга оддий ва самимий қарашади. Фақат Тибальт буни хонадонга нисбатан ҳақорат деб баҳолайди. Мана шу кутилмаган ташрифга турлича муносабат туфайли Тибальт ва Ромео ўртасида зиддият пайдо бўлади. Бу зиддият икки хонадон ўртасида азалдан мавжуд бўлган ўзаро адоватни баттар авж олдиради ва улар ўртасида ўлимга олиб келувчи тўқнашув содир бўлади. Демак, саҳнавий тўқнашувга Тибальтнинг Ромео ҳам базмга келганини сезиб қолиш факти ва буни, юқорида айтганимиздек, Тибальт ўзига нисбатан ҳақорат деб қабул қилиши туфайли туғилган ички зиддият сабаб бўлди. Саҳнавий асарлардан парча устида ишлаш жараёнида ҳам худди шу тарзда ролнинг ички зиддиятлари занжирини тузиб чиқиш йўли билан унинг ҳаёт партитурасини яратиб олиш керак. Бу гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувларни, ҳатти - ҳаракат ва қарши ҳатти - ҳаракатларни очиб беради.

“Ҳамма драматург ҳам зиддиятни ёрқин, кўзга яққол ташланиб турувчи воқеа ва ҳодисалар қобиғига ўраб қўймайди. Кўпчилик муаллифлар зиддиятни омадли, ҳатто бахтли бўлиб кўринган ҳаёт қобиғига ўраб қўйишади. Бундай асарларда олий мақсад *(асарнинг асосий ғояси тушунчаси)*ни англаб олиш, жанрни тўғри белгилаш анчайин қийин вазифа. Георгий Александрович Товстоногов бундай вазиятларда “воқеа” атамасини “етакчи шарт - шароит” атамаси билан алмаштиришни таклиф этарди. Худди А. М. Поламишев “ҳатти - ҳаракатли фактнинг моҳияти” биз баъзан четга суриб қўядиган “берилган шарт - шароитга” яқин, дея таъкидлаганидек”. [2.186] Демак, зиддиятларни аниқлаб олишда биз албатта “етакчи шарт - шароит”ни назардан қочирмаслигимиз лозим экан. Ш. Бошбековнинг “Темир хотин” асаридаги зиддиятни аниқлашда биз юқоридаги вазиятга дуч келамиз: Яъни, муаллиф зиддиятни очиқ, ёрқин, кўзга яққол ташланиб турувчи воқеа ва ҳодисалар қобиғига ўраб қўймайди.

“Асарда асосий конфликт – инсонларнинг ўзаро кураши эмас, балки инсон руҳиятидаги мураккабликларга қурилган. Асарда Қўчқор ўзи яшаб турган турмуш, аччиқ ҳаёт билан, иложсизлиги, бахтсизлиги, умуман, ўзи билан ўзи кураши асосий конфликтдир. Аввал бошда Қўчқор буни англамайди, турмушидан нолимайди, кўникиб яшайверади”. [3.139] Аммо унинг ичида зиддият бор. Фақат ошкора айтишга кўрқади холос. Шунинг учун ҳам атрофдан қараганда Қўчқорнинг ҳеч бир нолийдиган жойи йўқдек. Муаллиф томонидан зиддият ана шу “ҳаммаси жойида” деган қобиққа ўраб берилган. Уни кашф этиш - актёрнинг ижросига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сарабьян Эльвира. Актёрский тренинг по системе Георгия Товстоногова.Россия. ООО «Издательство АСТ».2010.

2. Нурматова, Б. А. (2022). ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ ОБРАЗА В ДРАМАТИЧЕСКИХ ТЕАТРАХ. Проблемы современной науки и образования, (2 (171)), 100-103.

3. Абдуллаева М. Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати. – Т.:”Тафаккур қаноти”,2014й.

4. Махмудов Ж, Махмудова Ҳ. - “Актёрлик маҳорати” - Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент - 2010.

5. Ярбеков Э. “Актёрлик маҳорати”-дарслик. - Т:. “Voris-nashriyot”, 2025.